

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология Кенгаши
ҚАРОРИ

2020 йил “29” 12

№ 41

Тошкент шаҳар

Ўзбекистон Республикаси
Санитария-эпидемиология
Кенгаши фаолиятини қайта
ташкил этиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойиштарилиги ва саломатлигини саклаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6035-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сонли қарори билан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология Кенгаши фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича кун тартибидаги 1-масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи Б.Юсупалиевнинг таклифи аъзолар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва Кенгаш қуидагича қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология кенгаши таркиби 1-иловага, Кенгаш тўғрисида низом 2-иловага мувоффик тасдиқлансан.

2. **Кенгаш котиби (Н.Ташбаев):**

Кенгаш йигилишларининг хужжатларини расмийлаштириш, тегишлилиги бўйича муассасаларга етказиш ва ижросини назорат қилиш жараёнлари тасдиқланган низом талаблари асосида олиб борилсан.

Соғлиқни саклаш вазирлигининг ташкилий тадбирлар режаси асосида Санитария-эпидемиология Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи ҳузурида муҳокама этиладиган масалалар бўйича масъуллар иштирокида таклифлар тайёрлансан.

3. Мазкур қарор ижроси юзасидан назоратни ўз зиммамда қолдирман.

Кенгаш раиси/



Б.Қ.Юсупалиев

Кенгаш котиби

Н.С.Тошбоев

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология кенгашининг таркиби

Кенгаш раиси			
1.	Юсупалиев Баҳодир Қаҳрамонович	-	Узбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи – Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи
Кенгаш аъзолари:			
2.	Норбоев Холмамат Нуралиевич	-	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати бошлигининг биринчи ўринбосари, <i>Кенгаш раиси ўринбосари</i> ;
3.	Атабеков Нурмат Сатиёзович	-	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари;
4.	Курбонов Ботиржон Журабоевич	-	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари;
5.	Хайитов Кобилжон Исоқулович	-	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари;
6.	Таджиев Ботир Мирхашимович	-	Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори;
7.	Мусабаев Эркин Исҳакович	-	Вирусология илмий-тадқиқот институти директори;
8.	Адилов Үткір Халилович	-	Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти директори;
9.	Сувонқулов Уктамжон Гойирович	-	Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Л.М.Исаев номидаги филиали директори;
10.	Сайдалиев Сайдмурод Сайдганиевич	-	Республика ўлат профилактикаси маркази директори;
11.	Юлдашев Қаҳрамон Халдарович	-	Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори;
12.	Зарединов Дамир Арипович	-	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази “Гигиена” кафедраси мудири;
13.	Искандарова Гулноза Тулкуновна	-	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази “Эпидемиология” кафедраси мудири.
Кенгаш котиби			
14.	Ташбаев Нуриддин Сарайевич	-	Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматининг Ташқилий-назорат ва ахборот-тахлил бўлими бошлиғи.

*Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга утгана ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этилганда, ушибу лавозимларга янгидан
тайинланган ёки зинмасига тегишили вазифа ва ваколатларни бажарни юкланган шахслар унинг таркибига киритилади.*

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология Кенгаши тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология Кенгаши (*кейинги ўринларда - Кенгаши деб юритилади*) доимий фаолият кўрсатадиган маслаҳат органи ҳисобланади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари тўғрисидаги низомлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга амал қиласди.

3. Кенгаш ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ қонунийлик, назоратда бўлиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳисбот бериш, бошқарув ва коллегиалликни марказлаштириш тамойиллари асосида амалга оширади.

2-боб. Кенгашининг асосий вазифалари

4. Қуйидаги вазифалар юкланди:

Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

таркибий ва худудий бўлинмалар, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларининг тизимили асосда эшлишиб борилишини ташкил этиш, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан давлат бошқаруви органлари тизими раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига оид худудий ва тармоқ дастурларини амалга ошириш самарадорлигини хар чоракда ва тизимили кўриб чиқиши;

Кенгашининг кенгайтирилган кўчма йигилишларини ўтказиш, Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятининг долзарб масалаларини жойларда муҳокама этилишини таъминлаш;

санитария-эпидемиология соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, республика худудидаги юқумли касалликлар табиий ўчоқлари устидан эпидемиологик мониторинг ва эпидемияга қарши профилактик тадбирлар мажмуини амалга оширилишини муҳокама килиш;

инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омилларни бошқариш, тизимили мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилишнинг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга жорий этиши бўйича вазифаларни муҳокама қилиш;

озик-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, сзиқ-овқат хом ашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти устидан белгиланган тартибдаги назорат тадбирларини кўриб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши устидан давлат санитария назоратини амалга ошириш ва конунбузилиш ҳолатлари муҳокама қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун давлат бошқаруви органи раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда шахсий жавобгарлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига киритиладиган ва давлат бошқаруви органи масъул ижро этувчи орган ҳисобланган конун лойиҳалари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш.

5. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизматининг ваколатига кирадиган ва коллегиал муҳокама этишни талаб қиладиган ҳар қандай масалани кўриб чиқиши хуқукига эга.

3-боб. Кенгаш таркиби

6. Кенгаш аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланади.

7. Кенгаш таркибига Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи, Чанитария-эпидемологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи (раис), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирадиган таркибий бўлинмалар ва муассасалар раҳбарлари киради. Санитария-эпидемиология осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматининг тегишли органлари тўғрисидаги низомда назарда тутилган ҳолатларда Кенгаш таркибига бошқа мансабдор шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Кенгаш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, унинг таркиби алмаштириб турилади.

Кенгаш аъзоси лавозимидан озод этилган ҳолатларда (унинг таркибига лавозими бўйича кирадиган аъзолардан ташқари) Кенгаш таркибига киритиладиган номзод бўйича таклифлар белгиланган тартибда Санитария-эпидемиология осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматига киритилади.

8. Кенгаш раиси:

Кенгаш фаолиятини ташкил этади, унинг йиғилишларини бошқаради, мажбурият ва топшириқларни Кенгаш аъзолари ўртасида таксимлайди, йиғилишлар режалари, Кенгаш қарорлари бажарилишини умумий назорат қиласди;

Кенгашда кўриб чиқишига киритиладиган масалаларни биргаликда муҳокама этиш ва ҳал қилиш учун зарур шароитлар яратади;

Кенгаш фаолияти ва унинг қарорлари тўлиқ ҳажмда қабул қилиниши учун шахсан жавоб беради;

зарур ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазирига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига Кенгаш йигилишларида қабул қилинган қарорлар ва уларнинг амалга сширилиши ҳақида ахборот беради;

махфий хусусиятга эга масалалар, шунингдек давлат сирини ташкил этадиган маълумотларга тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш учун Кенгашнинг ёпик йигилишларини ўтказиш тӯғрисида қарор қабул қиласди;

Кенгашнинг кўчма йигилишларини, шунингдек бошқа коллегиал органлар билан қўшма йигилишлар ўтказиш тӯғрисида қарорлар қабул қиласди.

Кенгаш раиси бўлмаганда, унинг вазифаларини 1-ўринбосари бажаради.

9. Кенгаш аъзолари қўйидаги ҳукуқларга эга:

Кенгаш фаолиятининг режалари лойиҳаларига, йигилишларининг кун тартиби ва ўтказиш тартиби, тасдиқланган режасига қўшимчалар ҳамда ўзgartiriшлар, навбатдан ташкири йигилишларини ўтказиш бўйича таклифлар, фикр-мулоҳазалар ва тузатишлар киритади;

кўриб чиқиладиган муаммоларга доир ҳужжатлар ва Кенгаш қабул қиласган қарорлар ижроси юзасидан материаллар билан танишади;

маърузачиларга саволлар бериш, мухокама этиладиган масалалар юзасидан уз фикрини, шунингдек қабул қилинадиган қарорлар ва Кенгаш йигилишлари баённомаси бўйича фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдиради;

зарур ҳолатларда, овоз беришда йигилиш баённомасига алоҳида фикрларни ёки ёзма равишдаги алоҳида фикрни киритишни талаб қиласди;

Кенгаш йигилишларини ташкил этиш, кўриб чиқиладиган масалалар бўйича материаллар тайёрлаш, қарорларини амалга оширилишини ташкил этиш, назорат қилиш ва топшириқларини бажаришда иштирок этади.

Кенгаш аъзолари:

масалаларни мухокама этиш ва овоз беришда тенг ҳукуқларга эга;

Кенгаш йигилишларида шахсан иштирок этишга мажбур ва ўз ваколатларни бошқа шахсларга бериш ҳукуқига эга эмас.

Кенгаши аъзолари раис ёки вазифаларини бажарувчи шахс рухсати билан унинг йигилишларида иштирок этишдан озод этилади. Бунда Кенгаш аъзоси мухокама этиладиган масала юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдириши мумкин.

4-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

§1. Кенгаш ишини режалаштириш

10. Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг иш режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг иш режаларини ҳисобга олган ҳолда, ярим йилга тузилади, аъзолар томонидан кўриб чиқилади ҳамда унинг раиси томонидан имзоланади.

11. Кенгаш ишлари Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан режалаштириш умумий принциплари ва талабларига мувофиқ амалга оширилади. Кенгаш йигилишлари, одатда, чоракда камида бир марта режалаштирилади ва ўтказилади.

Кенгаш режасида кўриб чиқиш учун киритиладиган масалаларнинг аниқ тарифи, уларни кўриб чиқиш муддатлари, масалаларни тайёрлаш учун масъул

Кенгаш азолари, давлат бошқаруви органининг Кенгаш йиғилишига қарорлар лойиҳалари ва бошқа материалларини ишлаб чиқадиган бўлинмалари (кейинги ўринларда ижро этувчи бўлинмалар деб аталади) кўрсатилади.

Зарур бўлганда (юкори органлар топшириқлари, хизмат зарурати ва бошқалар) давлат бошқаруви органи Кенгаш ҳал этиши лозим бўлган масалалар юзасидан Кенгаш йиғилишлари режадан ташқари тартибда ўтказилиши мумкин.

12. Кенгаш йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалалар раис ва унинг аъзолари, шунингдек Кенгаш масъул котибининг сўровларига мувофик, Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг марказий аппаратини таркибий бўлинмалари, худудий органлар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари томонидан киритилади.

13. Кенгаш йиғилишларининг навбатдаги ярим йил учун режасининг лойиҳаси бўйича таклифлар Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Кенгашнинг масъул котибига тегишли йилнинг 1 ноябрь ва 1 майига кадар тақдим этилади. Режа лойиҳаси юзасидан таклифлар масалаларнинг кўриб чиқиши муддатлари, маъruzачилар ва масалаларни тайёрлаш учун масъул шахслар фамилияси, ижро этувчи бўлинмалар номини (комиссиялар ёки ишчи гурухлар таркибини) ўз ичига олиши лозим.

14. Бошқа коллегиал органлар билан биргаликда йиғилишлар ўтказиш бўйича таклифлар дастлаб, улар билан, кўчма йиғилишлар эса - Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг молиявий-иктисодий бўлинмалари билан келишилиши шарт. Бошқа коллегиал органлар билан кўшма йиғилишлар ўтказиш ҳақидаги қарор аввал, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мутасадди ўринbosари ва Согликни саклаш вазири билан келишилади.

15. Кенгаш йиғилишлари режасининг лойиҳасини тайёрлаш ва келишиш масъул котиб зиммасига юкланади.

16. Кенгаш котиби тасдиқланган режани Кенгаш аъзоларига, режадан кўчирмани эса, ижро этувчи бўлинмаларга тарқатади.

17. Кенгаш қарори ёки унинг раиси йиғилишларнинг тасдиқланган режасига тузатишлар киритиши, навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказиши мумкин.

§2. Кенгаш йиғилишларига масалаларни тайёрлаш

18. Кенгаш йиғилишларида кўриб чиқиши учун масалаларни тайёрлаш жараёни муаммо моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, аввал кабул қилинган бошқарув қарорлари ва уларни амалга ошириш тадбирлари самарадорлигини баҳолаш, камчиликларни, уларнинг юзага келишига сабаб бўладиган шароитлар ва сабабларни аниқлаш, ишларнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириш бўйича тахмин қилинаётган натижаларни ўз ичига олиши керак.

Зарур ҳолатларда кўриб чиқиладиган муаммо юзасидан ишлар ҳолатини бевосита давлат бошқаруви орган бўлинмалари, унинг худудий органлари ва муассасаларида олдиндан текшириш ташкил этилади.

19. Ижро этувчи бўлинма Кенгаш йиғилишлари режасидан кўчирма олганидан сўнг, 10 кун муддатда Кенгаш йиғилишларига тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар режасини тузади ва масалаларни тайёрлаш учун масъул шахсларга тасдиқлатади, нусхасини давлат бошқаруви органининг режани амалга оширишида иштирок этадиган бўлинмалари, шунингдек Санитария-эпидемиология

осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Ташкилий-назорат ва ахборот-тхилл бўлимига юборади.

20. Кенгаш йигилишларига мухокама этиладиган масала юзасидан қуйидаги материаллар тайёрланади:

мухокама этиладиган масала бўйича маълумотнома;

Кенгаш қарорлари Кенгаш йигилишларида кўриб чиқилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлар лойиҳалари;

зарур бўлганда, ҳужжатлар лойиҳалари бўйича мавжуд келишмовчиликлар тўғрисида маълумотнома ва лойиҳани тайёрлаш ҳамда келишиш давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни амалга ошириш рад этилганини асослаш;

Кенгаш йигилишига таклиф этилган шахслар рўйхати;

Кенгаши йигилишида сўзга чиқадиган шахслар рўйхати;

Кенгаш раисининг кўрсатмасига биноан бошқа зарурий ҳужжатлар.

21. Маълумотнома кўриб чиқиладиган масала моҳиятининг қисқача ва объектив баёнини, ушбу йўналишдаги ишларда мавжуд камчиликларни, уларнинг сабаблари ва камчиликларни бартараф этиш борасидаги муаммолар ва таклифларни ўз ичига олиши керак.

Фаолиятни такомиллаштиришга доир таклиф этиладиган чора-тадбирлар комплекс хусусиятга эга бўлиши зарур.

22. Кенгаш қарорлари ва уларни амалга ошириш бўйича буйруқлар (қарорлар) лойиҳалари белгиланган тартибда келишилади.

Йигилиш чақирилмасдан Кенгаш аъзолари ўртасида сўров ўтказиш орқали қабул қилинадиган ҳужжатлар лойиҳалари барча аъзолар билан келишилади ва имзоланади.

23. Барча материаллар ижро этувчи бўлинма раҳбари, масалаларни тайёрлаш учун масъул шахслар томонидан имзоланади.

Кенгаши қарорлари ва уларни амалга ошириш бўйича буйруқлар (қарорлар) лойиҳалари Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан ҳам имзоланади.

24. Белгиланган тартибда келишилган материаллар Кенгаш масъул котибига мазкур материалларни тайёрлаш режасида белгиланган муддатларга мувофиқ, аммо масала кўриб чиқиш режалаштирилган ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

25. Кўйилган талаблар бузилган ҳолатда тайёрланган ёки тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган материалларни Кенгаш масъул котиби қабул қилмайди. Олинган материаллар ижро этувчи бўлинмаларга камчиликларни бартараф этиш учун қайтариб берилиши мумкин.

26. Кенгаш материаллари бирор-бир сабаб туфайли белгиланган муддатда тақдим этилмаса ёки масалаларни тайёрлаш учун масъул шахснинг фикрича уни кўриб чиқиш зарурати бўлмаса, бу ҳақда Кенгаш раисига ёзма равища ахборот берилади.

27. Мукаммал ишлаб чиқилмаган масалалар Кенгаш раисининг кўрсатмаси ёки қарори билан муҳокамадан олиб ташланади ва материаллар ижро этувчига мукаммал ишлаб чиқиш учун қайтарилади.

28. Ижро этувчи бўлинмалар раҳбарлари ва масалаларни тайёрлаш учун масъул шахслар материални сифатли ишлаб чиқиш, материаллар лойиҳаларининг ўз вақтида тақдим этилиши ва улардаги маълумотлар ишончлилиги учун жавоб беради.

29. Кенгаш йиғилишида кўриб чиқиладиган масалаларни ўрганиш, Кенгаш қарорлари лойиҳалари ва бошқа материалларни тайёрлаш ёки мукаммал ишлаб чиқиш, шунингдек қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш учун вақтинчалик комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин. Уларнинг фаолияти натижалари юзасидан Кенгашга ахборот берилади. Комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг алоҳида фикрга эга аъзолари уни Кенгаш аъзолари ёки раиси эътиборига етказиш хуқуқига эга.

§3. Кенгаш йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби

30. Масъул котиб Кенгаш иш режасига мувофиқ тайёрланган материаллар мавжуд бўлса, йиғилиш кун тартиби лойиҳаси ва унинг иштирокчилари рўйхатини шакллантиради.

31. Кенгаш йиғилишининг кун тартиби, йиғилиш ўтказиш санаси, вақти ва манзили раис томонидан белгиланади.

32. Кенгаш масъул котиби навбатдаги йиғилиш материалларини олгандан сўнг, уларни кўпайтириш ва Кенгаш аъзоларига, шунингдек Санитария-эпидемиология осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматининг манфаатдор таркибий бўлинмалари тарқатилишини ташкил этади. Материаллар бошқаларга Кенгаш раиси билан келишилган ҳолда юборилади.

33. Кенгаш йиғилишига Санитария-эпидемиология осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ҳамда ходимлари тақлиф этилиши мумкин.

Кенгашнинг очиқ йиғилишларига Узбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, ахборотдан фойдаланувчилар ҳам тақлиф этилиши мумкин.

34. Кенгаш йиғилишига тақлиф этиладиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ҳамда ходимларини Кенгаш раиси томонидан ёки унинг топширигига биноан ўринбосарлари тасдиқлаган рўйхатга мувофиқ Кенгашнинг масъул котиби хабардор киласи.

35. Масъул котиб Санитария-эпидемиология осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматининг Кенгаш йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда иштирок этадиган техник, хўжалик ҳамда бошқа бўлинмаларни хабардор килишни таъминлайди, уларнинг ҳамкорлигини ташкил қиласи, ўтказиладиган тадбирларни мувофиқлаштиради ва назорат қиласи.

36. Масъул котиб йиғилишдан аввал иштирокчиларни рўйхатга олишни ташкиллаштиради ва рўйхатга олиш тугагандан сўнг Кенгаш раисига (раислик

қилувчига) Кенгаш аъзолари ҳамда таклиф этилган шахслар ҳақида ахборот беради.

37. Кенгаш йиғилишига таклиф этилган шахслар ўзларига тааллуқли масалалар мұхокамасыда иштирок этади. Раис (раислик қилувчи) қарорига биноан улар баҳс-мунозараларда сұзға чиқиб, ўз фикр ва таклифларини билдириши, мұхокама этилаётган масала ва тайёрланған хужжатлар лойихалари моҳияти бўйича маълумотномалар бериши мумкин.

38. Кенгаш йигилиши раиси (раислик қилувчи) йиғилишни очади ва ёпади, Кенгаш аъзоларини йиғилишга таклиф этилган шахслар ҳақида хабардор килади, масалалар мұхокамасини ташкил қилади (маъруза қилиш учун сўз беради, низомга риоя этилишини кузатади, тайёрланған хужжатлар лойихаларини, мұхокама этилаётган масалалар бўйича таклифларни овозга қўяди, овоз бериш якунларини эълон қилади), масалалар, маълумотномалар, аризалар ва таклифларни эълон қилади.

39. Кенгаш йигилиши унинг кун тартиби ва ўтказиш тартибини белгилаш ҳамда тасдиқлашдан бошланади.

40. Маърузачи учун вақт одатда 20 дақиқача, баҳс-мунозараларда чиқишлиар учун 7 дақиқагача, хабарлар ва маълумотномалар учун 3 дақиқагача белгиланади. Зарур ҳолатларда раис (раислик қилувчи) маъруза қилиш вақтини ўзгартириши мумкин.

41. Кенгаш йигилишида масалалар мұхокамаси чоғида хужжатлар лойихалари юзасидан билдирилган мұхим фикр-мулоҳазалар ва таклифлар кўриб чиқилиши зарур. Мұхокама натижалари раислик килувчининг кўрсатмасига биноан йигилиш баённомасыда акс эттирилади.

42. Кенгаш йиғилишларида видеоконференция алоқа, овозни ёзиш ва стенограммалаш, кино, видео ва фотосуратга олиш Кенгаш раиси (раислик қилувчи) билан келишилган ҳолда ёки қарори билан амалга оширилади.

43. Видеоконференция алоқа, овозни ёзиш ва стенограммалаш, кино, видео ва фотосуратга олиш ишлари Санитария-эпидемиология осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматининг тегишли бўлинмаларини куч ва воситаларидан фойдаланған ҳолда, Кенгаш масъул котибига юкланади.

44. Маърузалар ва нутқлар матнлари йиғилишдан сўнг Кенгаш масъул котибига топширилади.

§4. Кенгаш қарорларини қабул қилиш тартиби

45. Кенгаш йигилишда Кенгаш таркибининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли бўлади.

46. Кўриб чиқиладиган масала юзасидан Кенгаш қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

47. Кенгаш қарорлари Санитария-эпидемиология хизматининг буйруқлари (қарорлари) билан амалга оширилади.

48. Кенгаш қарорлари Кенгаш раиси ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс (раислик қилувчи) томонидан имзоланади.

49. Ташкилий ва назорат масалалари бўйича Кенгаш қарорлари йиғилиш баённомасига киритилади ва буйруқ (қарор) қабул қилинмасдан амалга оширилади.

Қарорлардаги күрсатмалар (топшириқлар) белгиланган тартибда бажарилиши шарт.

50. Айрим ҳолатларда шошилинч масалалар юзасидан Кенгаш қарорлари сўров ўтказиш тартибида қабул қилиниши мумкин.

51. Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва бошқа коллегиал органларнинг қўшма Кенгаш йиғилишларида қабул қилинган қарорлар қўшма бўйруқлар (қарорлар) билан эълон қилинади.

52. Кенгаш томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган ҳужжатлар лойиҳалари (низомлар, йўриқномалар, режалар ва бошқа ҳужжатлар) белгиланган тартибда тасдиқланади ва амалиётга жорий этилади.

§5. Кенгаш йиғилишларини ҳужжатлар билан расмийлаштириш

53. Кенгаш йиғилиши якуни бўйича қисқа баённома тузилади. Баённомада унинг тартиб рақами, йиғилиш ўтказилган сана ва жой, Кенгашга раислик қилувчи ва унинг иштирок этувчи аъзолари, маъruzачилар фамилияси, ташкилий-бошқарувчилик хусусиятига эга қарорлар ёки аниқ топшириқлар кўрсатилади. Баённомага киритилган топшириқлар мансабдор шахслар (ижро этувчи бўлинмалар) ва бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда, қисқа шаклда баён этилиши лозим.

54. Баённомаларни расмийлаштириш ва келишиш Кенгашнинг масъул котибига юкланади.

Баённомалар Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Кенгаш ишини ташкил этиш учун масъул Ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлил бўлими томонидан имзоланади ва зарур бўлганда Кенгашнинг бошқа аъзолари хизматнинг манфаатдор таркибий бўлинмалари раҳбарлари билан келишилади.

Баённомалар биринчи навбатда кўриб чиқилади ва келишилади. Баённомаларни тайёрлаш мақсадида, Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматнинг манфаатдор бўлинмалари жалб этилади.

55. Баённомалар Кенгаш раиси (раислик қилувчи) томонидан имзоланади ва масъул котиб томонидан тасдиқлаиади.

56. Баённомаларга иштирокчиларнинг ёзма маъruzалари ва нутклари, бошка материаллар, раис (раислик қилувчи) бўйруги ёки Кенгаш қарори бўйича йиғилишлар стенограммалари илова қилиниши мумкин.

57. Баённомалардан кўчирмалар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг манфаатдор бўлинмалари, ҳудудий органлари ва муассасаларига тарқатилади.

Баённомалардан кўчирмалар Кенгаш масъул котиби томонидан тасдиқланади.

§6. Кенгаш қарорлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини мукаммал ишлаб чиқиши тартиби

58. Кенгаш қарорлари, уларни амалга ошириш бўйича бўйруқлар (қарорлар) ва Кенгаш йиғилишида кўриб чиқилган бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини бевосита мукаммал ишлаб чиқиш хамда келишиш ижро этувчи бўлинмаларга юкланади. Ҳужжатларни мукаммал ишлаб чиқиш муддатлари, агар бундай муддат алоҳида белгиланган бўлмаса, 10 иш кунидан ошмаслиги керак.

Хужжатлар лойихалари мукаммал ишлаб чиқиш жараёнида уларга жиддий ўзгартеришлар киритилса, такроран имзоланиши лозим.

Белгиланган тартибга қўшимча равища мукаммал ишлаб чиқилган хужжатлар лойихалари Кенгаш йиғилиши давомида ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирган Кенгаш аъзолари билан келишилади ҳамда улар томонидан имзоланади.

59. Кенгаш масъул котиби хужжатлар лойихаларини мукаммал ишлаб чиқишида, лойихаларни келишишда иштирок этади, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларнинг тўлиқ бажарилишини назорат қиласи.

60. Имзолаш учун тайёрланган Кенгаш қарорлари, уларни амалга ошириш бўйича буйруқлар (қарорлар) Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Ташкилий-назорат ва ахборот таҳлил бўлимига тақдим этилади ва баённома билан биргаликда белгиланган тартибда ахборот берилади.

§7. Кенгаш қарорлари бажарилишини назорат қилиш

61. Топшириқлар мазмун-моҳияти бўйича Кенгаш қарорларининг бажарилишини бевосита назорат қилиш, уларни амалга ошириш юзасидан масъул этиб тайинланган Кенгаш аъзолари зиммасига юкланди, шунингдек жорий иш жараёнида Кенгашнинг барча аъзолари томонидан амалга оширилади.

62. Кенгаш қарорларида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан тўғридан-тўғри назорат Кенгаш масъул котиби зиммасига юкланди ва уларнинг амалга оширилиши бўйича Кенгашнинг баён қарорларида қайд этилган топшириқларда кўрсатилган шакл ва муддатларда Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг буйруги (қарори) қабул килинади.

63. Кенгаш:

ўз йиғилишларида ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалани мунтазам кўриб чиқади;

ушбу қарорларнинг амалга оширилиши учун масъул шахслар, давлат бошқаруви органи бўлинмалари ва унинг худудий органлари раҳбарларининг бажарилган ишлар натижалари тўғрисидаги ахборотини эшитади;

ўз фаолияти якунларини мунтазам сарҳисоб қилиб боради, шунингдек Кенгаш қарорларини тайёрлаш ва амалга оширишда унинг аъзолари ишлари самарадорлигини кўриб чиқади.

§8. Кенгашнинг масъул котиби

64. Кенгаш масъул котиби Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимлари орасидан Кенгаш қарорига биноан тайинланади.

65. Кенгаш масъул котиби:

Кенгаш йиғилишларига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширади;

Кенгаш ва хизмат марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари билан келишилган ишлари режалари лойихаларини Соғлиқни сақлаш вазирига тасдиқлаш учун тайёрлайди;

марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан Кенгашга материаллар тақдим этилишини назорат қиласи;

Кониқарсиз тайёрланган ҳужжатларни Кенгаш раиси роизилиги билан, мукаммал ишлаб чиқиш учун масъулларга қайтаради;

Кенгаш қарорларининг ўз вақтида кўпайтирилишини ва Кенгаш аъзолариға ҳамда Хизматнинг ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи кўрсатмасига биноан, бошка шахсларга тарқатилишини таъминлайди;

Кенгаш мажлислари ташкил этилишини (зални тайёрлашни, йигилиш катнашчиларининг рўйхатга олинишини, йигилиш баённомаси юритилишини, йигилишларнинг аудио ва стенограмма ёзувлари амалга оширилишини ва шу кабилағни) таъминлайди;

Кенгаш йигилишлари баённомасини имзолаш учун тайёрлайди;

Кенгашнинг қабул қилинган қарорлари ва ҳужжатлар, мухокама этилган масалалар юзасидан билдирилган фикрлар инобатга олинган ҳолда, уларни Кенгашга тақдим этган мансабдор шахслар томонидан мукаммал ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Кенгаш раисига ахборот бериш учун ҳужжатлар тақдим этилишини таъминлайди;

Кенгаш раиси имзолаган ҳужжатлардан ўз вақтида нусха олинишини, уларнинг Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг ҳудудий ташкилотлари мансабдор шахсларига ҳамда идоравий мансуб гашкилотларга ижро этиш учун юборилишини таъминлайди;

Кенгаш қарорларининг белгиланган тартибда бажарилиши назорат килинишини ташкил этади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

66. Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи, унинг ўринбосарлари ва таркибий муассасалар раҳбарлари ўз фаолиятида мазкур низом талабларига қатъий риоя этишлари шарт.